

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**
**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШДА
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ**

халқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,
2020 йил 20 май**

		фаолиятини такомиллаштириш	
87.	Умарходжаева М.Г., Кахрамонов С.	Основные тенденции совершенствования корпоративного управления в узбекистане	310
88.	Мамадияров З.Т., Мамаражабов Ж.Т.	Рақамли иқтисодиёт шароитида масофавий банк хизматларининг аҳамияти	313
89.	Махмудов Т. О.	Рақамли иқтисодиёт шароитида мода индустриясида бренд бошқаришни аҳамияти	315
90.	Мирзаев С. А.	Рақамли иқтисодиёт ва ЛТ тизими	318
91.	Мирзоев Х.Х.	Корхона айланма капиталини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари	320
92.	Набиджонов О.О.	Мажбурий тиббий сугурта турини ўзбекистон республикасида такомиллаштириш	322
93.	Наимов Ш.Ш.	Давлат қарзларининг функциялари	325
94.	Урмонов Н.Т. Наимов Ш.Ш.	Давлат қарзи ва унинг макроиктисодий барқарорликка таъсири	328
95.	Норов А.Р.	Банк тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни	331
96.	Норчаев А.Н.	Туризмда рақамли инновацион-технологияларни қўллаш йўналишлари	333
97.	Обидов С.М.	Автомобилсозлик корхоналарида инновацион бошқаришни шакллантиришда ходимларни рағбатлантиришнинг аҳамияти	336
98.	Пўлатов М	Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришда рақамли технологияларнинг аҳамияти	340
99.	Розиков А.Э.	корхона фаолиятини ташкил этишда инновацион бошқарув асосларини тадбик этишнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари	343
100.	Розиков С.Ф., Шоназарова Г.Б.	Махсулот сифатини бошқаришда халқаро стандартларнинг ўрни	346
101.	Sottorov Sh.U.	Real sektor tarmoqlarida raqamli iqtisodiyotning roli	350
102.	Махмудов Т. О.	Мамлакатимизда мода индустриясини ривожлантиришда брэндинг имкониятларидан фойдаланиш	352
103.	Турсунов Ш.И., Рашидов Ж.Х.	Корхоналарда ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг асосий мотивлари	354
104.	Турсунова З.Р., Йўлдошев Н.Қ.	Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни стратегияси ва тактикаси	357
105.	Usmonov Ch.B.,	Hotel business as a component of the modern	359

инвестицияларсиз бир неча йилда унумдорлик сезиларли равища оширилиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ҳозирги шарт-шароит ва талабдан келиб чиқиб, маҳаллий тикув-трикотаж маҳсулотларни ички бозорда сотиш, сўнгра экспортга чиқариш учун маҳсулот бозорини ўрганиб, кучайтириш лозим. Аҳоли эҳтиёжини ўрганиб, одамлар мавсумга қараб қандай кийим-кечак кийишлари, маҳсулотларимизга брэнд, марка бериш ҳамда бу брэндларни оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига танитиш лозим.

*С.А. Мирзаев, катта ўқитувчи,
АндМИ*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ЛТ ТИЗИМИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга мурожаатида 2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” дея номлади. Бу дастурга, мамлакатимизни тараққиёт йўлини очиб берувчи фундаментал аҳамиятга эга тарихий хужжат сифатида қараш керак.

Рақамли иқтисодиётни аҳамиятли томони шундаки, яширин иқтисодиёт деган тушунчага умуман барҳам бериш ҳисобланади. Бунда ҳамма амалга ошириладиган тўлов амалиётлари электрон рўйхатдан ўтилиши ва ҳамма нарса шаффофф бўлишига эришилади. Ишлаб чиқариш соҳаларида ахборот технологиялари (АТ) қўлланиши эса маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасайиши ва рақобатбардошликни оширишга олиб келади. ИТ қўллаш савдо сотик амалиётида ортиқча харакатлар, йўл кира ҳамда кераксиз вақт сарфларини камайтиради.

Бундан кўриниб турибдики, уйиздан чиқмаган ҳолатда дунёning исталган жойидан хоҳлаган нарсангиз харид қилишингиз мумкин. “Электрон ҳукумат”, “Электрон бошқарув”, “Телекоммуникация”, “Интернет”, “Веб-сайт” каби юзлаб иборалар ҳаётимизнинг ажralmas қисмига айланиб, АТ кунлик ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олди. Масалан “Мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш” (Customer Relationship Management – CRM) тушунчаси 1990 йил бошларидан қўлланила бошлаган. ИТ компаниялар, қоидага кўра, маркетинг, сотиш ва бизнеснинг хизматлар функцияларини автоматлаштирилган дастурий иловаларни тавсифлаш учун CRM терминини қўллайдилар.

Рақамли иқтисодиёт бошқарувнинг янги замонавий усули бўлигина қолмай, ишни ўз вақтида бажарилишига олиб келади. Замонавий бошқарув усулларидан бири ЛТ (just in time) аниқ вақтда тизими ҳисобланади.

ЛТ қўллаш иловаси:

- Ишлаб чиқариш майдонида – ЛТ асосида ишлаб чиқариш жараёнини ўз ичига олади;
- Етказиб беришда ЛТ;

- ЛТ савдо соҳасида – истеъмолчилар он-лайн ахборот тизимлари орқали кўп бериладиган саволларга жавобни вақтида беришни таъминлайди.

Компаниялар анъанавий ёндашув “аниқ вақтда” дан фойдаланадиган рақобатчиларига нисбатан сезиларли устунликка эга. Уларда ишлаб чиқариш харажатлари кам, камроқ нуқсон, уддабуронлик юқори ҳамда янги мукаммалаштирилган маҳсулотларни бозорга тақдим қилишга уддабурон бўлади.

Хорижий корхоналар ҳозирги кунда ишлаб чиқаришнинг захирасиз тизимиға ўтишни тақдим этмоқда, бу эса омборсиз ишлаш демакдир. Чунки ишлаб чиқариш корхоналарига омбор ташкил қилиш бу қўшимча маблағни сарфлашга олиб келади, натижада сарф-харажатни ошириб йўқотишлар ошишига олиб келади. ЛТ тизимининг асосий мақсади ҳам шудир.

Рақамли иқтисодиётда ЛТ тизимининг қулайлик томонлари шундаки:

- тўловлар учун ортиқ ҳаракат ва харажатлар камаяди (ташкилот ёки банкка бориш учун йўлкира тежалади).

- электрон иловалардан фойдаланилса товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва аникроқ маълумот олинади.

- ИТ орқали товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта бўлади.

- маҳсулот сифати бўйича feedback (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.

- бу тизимни қўллаш орқали иш тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ бажарилади.

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт” нинг асосий кушандасидир. Сабаби, рақамли иқтисодиётни қўллашда хеч қачон маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада ўзгартириб юбориши оширади.

ЛТ тизими асосан ишлаб чиқаришда қўлланилиб келинади. Ушбу тизим керакли захираларга эга бўлиш, сифатни нол нуқсонлар ҳолатига яхшилаш, ускунанинг ишлаш вақтини қисқартириш, ишлаб чиқаришга кетадиган вақт циклини камайтириш ҳамда жараённи аста-секин ўзгартиришга олиб келади.

“Аниқ вақтда” тизими – маҳсулотни етказиб бериш вақти, ишлаб чиқариш циклини камайтириш, ресурсларни тежаш, кам ҳаражат ҳамда юқори сифатга эришишда йўқотишларни хамма турини олдини олиш ҳисобланади.

ЛТ тизими қўйидагиларга:

➤ маҳсулот (партия, бир тўп товар) ҳажмини иқтисодий фойда келтирадиган даражага қисқартириш;

➤ инсон ресурслари сони, материаллар ва жиҳозлар миқдорини тартибга келтириш;

➤ маҳсулотни “давомийлиги” – ишлаб чиқариш жараёнини унумдорлиги келгусидаги амалга ошириладиган ҳаракатни эҳтиёжи билан белгилаш;

➤ маҳсулотни ҳолати ва ускуналар бандлигини назорат қилишни аудио-визуал воситаларидан фойдаланиш;

➤ маҳсулотни (ўзгариши) бир жойдан бошқа жойга силжиши юзасидан бошқариш бўйича қарор қабул қилиш жараёнини иложи (имкони) борича анча қўйи даражага кўчиришга ёрдам беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бизнинг республикамизда фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналари бу тизимни ўзида тақдим этса, қўшимча харажат, ресурс, йўқотишлар ҳамда ортиқча вақт сарфини камайтиришга эришади. Мазкур тизимни фаолиятингизга тақдим этиб, юксак марраларга эришишингиз мумкин.

**X.X. Мирзоев, тингловчи,
ББРОМ**

КОРХОНА АЙЛАНМА КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Тадқиқот доирасида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизимида айланма капиталнинг таркиби, самарали бошқаруви ва корхона операцион фаолияти ва самарадорлигига таъсири, корхона ликвидлиги, самарали бошқариш услублари ўрганиб чиқилди.

В рамках исследования на примере АО “Ўзбекистон темир йўллари” изучено состав, эффективное управления оборотными капиталами и влияние оборотного капитала на операционную деятельность и рентабельность общества, ликвидность компаний, методы эффективного управления оборотными капиталами предприятия.

By the scope of this research were investigated structure and effective management of working capital management, impact of working capital management on operational activity, performance and liquidity of the company, and methods of effective working capital management in the JSC “Uzbekistan railways”.

Мамлакатимизда янги иқтисодий ўзгаришлар юз берадётган бир даврда миллий корхоналаримизни самарали бошқариш тизимини ташкил этиш корхонанинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ҳамда даромадлилигини, инвестицион жозибадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан охирги йилларда Ўзбекистон Республикасини янги босқичга кўтариш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда, шу жумладан мамлакат иқтисодиёт соҳасига айниқса тадбиркорлик фаолияти ҳамда рақобатбардошлигини ошириш, инвестициялар жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга